

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.01.2020.Tib.105.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ОРАЛОВ БЕҲРУЗ АБДУКАРИМОВИЧ**

**КЎЗ КУЙИШИНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ КЛИНИК – ЛАБОРАТОР БАҲОЛАШ**

**14.00.08 – Офталмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Оралов Бехруз Абдукаримович**

Кўз куйишини комплекс даволашнинг самарадорлигини клиник –  
лаборатор баҳолаш ..... 3

**Оралов Бехруз Абдукаримович**

Клинико – лабораторная оценка эффективности комплексного  
лечения ожогов глаз ..... 25

**Oralov Behruz Abdulkarimovich**

Clinical - laboratory assessment of effectiveness complex treatment of  
eye burns ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.01.2020.Tib.105.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ОРАЛОВ БЕҲРУЗ АБДУКАРИМОВИЧ**

**КЎЗ КУЙИШИНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ КЛИНИК – ЛАБОРАТОР БАҲОЛАШ**

**14.00.08 – Офталмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.2.PhD/Tib1357 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.eye-center.uz](http://www.eye-center.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Миррахимова Саидахон Шухратовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ковалевская Мария Александровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Икрамов Азизбек Фазилович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Озарбайжон тиббиёт университети**  
(Озарбайжон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «23» сентябр куни соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли, 14-уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: [eye-center@inbox.ru](mailto:eye-center@inbox.ru)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (~~№-021-А~~ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли, 14-уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: [eye-center@inbox.ru](mailto:eye-center@inbox.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил «7» сентябр куни тарқатилди.

(2022 йил «7» сентябр даги 5 рақамли реестр баённомаси).



**А.Ф. Юсупов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

**Ш.А. Джамалова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Х. Каримова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра бугунги кунда кўз олмасининг куйиши кўзнинг умумий шикастланишининг 4,2% дан 38,4% гача бўлган қисмини ташкил этади. Қатор олимлар томонидан олинган натижалар асосида «...кимёвий жароҳатланишни даволаш клиник жиҳатдан мураккаб ҳисобланиб, кимёвий моддалар липофил хусусиятлари туфайли кўрув аъзоси тўқималарини тезда емириб, уларнинг некрози ва ишемиясига сабаб бўлиши қайд қилинган...»<sup>1</sup>. Кўзнинг кимёвий воситалар билан куйиши, кўрув аъзосидаги турли хил куйиш билан боғлиқ жами жароҳатларнинг 60-80% ни ташкил этиб, асосан ёш ва меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида учрайди. Оғир асоратларнинг ривожланиши оқибатида бўлса кўрув фаолиятининг қайтмас бузилишлари кузатилади. Кислотали ёки ишқорий воситалар билан жароҳатланган вақтда клиник белгиларнинг баъзан бир ҳафта муддат ўтгачгина намоён бўлиши, замонавий даволаш усулларида фойдаланилганлигига қарамай, жароҳатланганларнинг деярли ярмида кўз касалликлари бўйича ногиронликка ва меҳнатқобилиятининг чекланишига олиб келади. Кўзнинг кимёвий куйишини илк даврларида тўқималардаги ўзгаришлар ҳали аниқланмаган ҳолатларда, зарарланган соҳалар майдонини эрта аниқлаш қийин муаммо бўлиб, тўғри даволаш тактикасини олиб бориш учун касалликнинг самарали комплекс ташҳисот ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда кўз куйишини комплекс даволашнинг самарадорлигини клиник-лаборатор баҳолашда шикастланган тўқималар юзасини ўлчаш, чандиқланиш жараёнини олдини олиш усуллари такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кимёвий куйиш даражасига юқори аниқликда баҳо берувчи ташҳислаш усуллари ишлаб чиқиш; беморларда жароҳатланишдан кейинги жараёнларнинг кечишини ва куйиш майдони регенерациясини, даволаш даври мобайнида объектив кузатув усулини ишлаб чиқиш; жароҳатланган кўз олдинги юзасининг эпителизацияланиши ёки бириктирувчи тўқима хужайралари билан қопланаётганлиги биомаркерларини аниқлашдан иборат. Кўрув аъзосининг кимёвий куйишидан сўнг хужайралар регенератор фаоллигининг қиёсий кўрсаткичларини аниқлаш ва эпителизация жараёнларини динамикада объектив баҳолаш усуллари такомиллаштириш зарур, бу эса комплекс ташҳислаш ва этиопатогенетик йўналтирилган даволаш услубларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, кўз касалликларини эрта ташҳислаш орқали унинг асоратларини камайтириш, аҳоли орасида жароҳатланишнинг олдини олиш борасида жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берувчи қатор профилактик тадбирларни амалга ошириш

<sup>1</sup> Gina L.G., Barbara W. Treatment of corneal chemical alkali burns with a crosslinked thiolated hyaluronic acid film // Burns. -2018 (44). –P. 1179–1186. <https://doi.org/10.1016/j.burns.2018.01.016>

«...исботловчи тиббиётга асосланган, халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилган миллий клиник стандартларни ишлаб чиқиш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш орқали тиббий ёрдам сифати, самарадорлиги ва қулайлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, касалликларнинг олдини олиш, тиббий ёрдам кўрсатиш босқичларининг мақбул кетма-кетлиги ва изчиллигини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш...»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар кўрув аъзосининг кимёвий куйишларидаги ўзгаришларни ташхислаш усулларини такомиллаштириш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳамда кимёвий куйиш билан боғлиқ бўлган асоратлар сони ва ногиронликни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кўзнинг кимёвий куйишини консерватив, жарроҳлик, комплекс даволашнинг самарали, патогенетик йўналтирилган усулларининг бутун арсенали таклиф қилинган. Бироқ реал клиник амалиётда, ушбу соҳада катта тажрибага эга бўлмаган ҳолда, таклиф этилаётган турлича даволаш усулларидан бирини танлаш тобора мураккаблашиб бормоқда. Куйиш билан жароҳатланганда лимбал қон айланишини тиклаш ва кўрув аъзосида некроз ёки асептик яра ривожланишига йўл қўймаслик мақсадида тенонли пластикадан фойдаланиш ҳамда чандикли фиброз туфайли ўзгарган конъюнктивал қопларни қайта тиклаш учун шиллик парда трансплантацияси тавсия этилган (Schrage N., Burgher F. 2011), экспериментал тадқиқотларда фотодинамик терапиянинг яллиғланишдаги ўрни ўрганилганда, фотодинамик терапия (630 нм) таъсирида бўлган хужайралар митохондрияларида синглет кислород ишлаб чиқарилиши ошган. Бу ўз навбатида митохондриял ДНКнинг репликациясига, яъни хужайралар

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

Ўсишини рағбатлантирилишига олиб келган (Xin Z., Yupei W. 2015), Diphoterin ёки апоцинин билан кўз юзаси ювилгач, хужайра мембранаси билан боғланган мультимолекуляр ферментлар комплекси (НАДФН-оксидаза) ингибирланган. Натижада кимёвий куйишдан сўнг яллиғланиш туфайли юзага келувчи оксидловчи стресс камайган ва шох парданинг неоваскуляризациясининг олди олинган (Xue-Jun G., Xian L., 2016), протеолитик ферментлар билан биргаликда кислород ва азотнинг токсик маҳсулотлари шох пардани зарарлаши маълум бўлиб, кимёвий воситалар билан жароҳатланган кўз юзасини антиоксидантлар билан бойитилган N-ацетил-L-цистеин (N-acetyl-L-cysteine) ёки суяк илиги мезенхимал ўзак хужайралари (BM-MSCs) мавжуд суюқликлар билан ювиш орқали, шох парда ичи яллиғланиши ва неоваскуляризациясини бартараф этилишига эришилган (Cestmir S., Vladimir H., 2016), кўз юзасини бошқа эритмалар билан ювишга қараганда, Diphoterine (Франция) эритмасидан зудлик билан фойдаланиш, кўзнинг оғир коррозив кимёвий куйиш ҳолларини 60%гача камайтирган (Wiesner N., Dutescu R.M., 2019). Тавсия этилаётган даволаш усулларининг кўплигига қарамай, юқори самара эришилишига олиб келувчи ягона усул мавжуд эмаслиги айтилиши ҳақиқатдир. Бу каби далиллар, кимёвий куйишдан кейинги ривожланувчи асоратлар сонини камайтирувчи, юқори клиник самарадорликка эга комплекс даволаш усулларини излаш заруриятини келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда кўз куйиши диагностикаси ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан куйидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган: турли хил этиологияли кўз куйишларини даволашда бензкетазон малҳами ва эмоксипин дори воситасини комбинирлашган ҳолда қўллашнинг клиник самарадорлиги ўрганилган (Бахритдинова Ф.А., Одилова Г.Р., 2010), экспериментал ва клиник тадқиқотларнинг ўтказилиши кўз олдинги юзасининг яллиғланиш касалликларини даволашда фотодинамик терапиянинг хавфсиз дозаларини ва нурланиш кучини ишлаб чиқиш имконини берган (Бахритдинова Ф.А., Нарзикулова Қ.И., Миррахимова С.Ш., 2014), куйиш жароҳатининг оғирлик даражасини ва репаратив жараёнларни динамикасини верификациялаш мақсадида, шох парда, склера, гавҳар ҳамда хусусий қон томир қавати тўқималари антигенларига нисбатан антиген боғловчи лимфоцитлар кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тадқиқот олиб борилган (Камилов Х.М., Максудова Л.М., 2018), бироқ, кўзнинг кимёвий куйишини даволашда фотодинамик терапиядан фойдаланишга қаратилган илмий ишлар бажарилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, кўз олдинги юзасининг куйган майдон ўлчамларини миқдорий аниқлаш, мавжуд ташҳислаш усулларини такомиллаштириш, кимёвий куйишнинг асосий патогенетик омилларига таъсир кўрсатувчи, янги комплекс даволаш усулларини ишлаб чиқиш масаласи офтальмологияда долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Айрим турдаги кўз касалликларининг ташҳислаш

ва даволаш усуллари такомилаштириш ҳамда янги дори воситаларини ишлаб чиқиш ва офтальмологик амалиётга татбиқ қилиш» мавзуси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кўзнинг кимёвий куйиши касаллигини клиник-лаборатор кўрсаткичлар асосида юқори аниқликда ташҳислаш ҳамда комплекс даволаш усуллари такомилаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кўзи кимёвий куйиш билан касалланган беморларни даволашда фотодинамик терапияни шунингдек комплекс даволашда уни антиоксидант ва репаратив дори воситалари билан биргаликда қўлланилишининг клиник самарадорлигини баҳолаш;

кўзи кимёвий куйиш билан касалланган беморларда жароҳатланиш жараёнининг оғирлик даражасини объектив баҳолаш учун кўз юзасида куйиш майдонини аниқлаш усулини такомилаштириш, унинг диагностик қийматини баҳолаш ва кўзни олдинги юзасининг куйиш индексини ишлаб чиқиш;

кўзи кимёвий куйиш билан касалланган беморларда фотодинамик терапияни кўз юзасининг цитологик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш;

кўзни кимёвий куйишини даволаш учун ишлаб чиқилган комплекс терапиянинг самарадорлигини, кўз ёши суюқлигининг биокимёвий кўрсаткичларига асосланган ҳолда баҳолаш;

кўзи кимёвий куйиш билан касалланган беморлар кўрув аъзосининг клиник-функционал кўрсаткичлари асосида комплекс ташҳислаш ва этиопатогенетик йўналтирилган даволаш услублари алгоритмини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2019 йил январ ойидан 2021 йил сентябр ойигача бўлган даврда Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасида кўзнинг I-II-III даражадаги кимёвий куйиши ташҳиси билан даволанган 110 нафар беморлар (155 та кўз) ва назорат гуруҳига 12 нафар (12 та кўз) амалий соғлом шахслар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида кимёвий куйишни ташҳислашда кўрув функциялари, биомикроскопик текширув натижалари, куйиш майдонларининг миқдорий кўрсаткичлари, кўз ёшининг ўзига хос биокимёвий хусусиятлари, жароҳатланган соҳалардаги ҳужайралар ядроси ва цитоплазмаси майдонларининг ўзаро нисбати кўрсаткичлари натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, инструментал, цитологик, биокимёвий, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор кўзнинг кимёвий куйишида ишлаб чиқилган куйиш индекси миқдорининг ортиши жароҳат соҳасида ярали жараён ривожланишига тўғри пропорционал боғлиқлиги ва куйиш касаллиги ривожланишида салбий прогностик омил, аксинча, паст бўлиши ижобий омил эканлиги исботланган;

кўзнинг кимёвий куйишида кўз юзасининг шикастланган тўқималари эпителизациясининг эрта тикланишини кўрсатувчи кариоцитометрик

мезонлардан ядро ва цитоплазма ўлчамларини такомиллаштирилган усул ёрдамида микрометрларда аниқлаш, анъанавий 1:2, 1:3, 1:4 нисбатлар кўринишида тахминий ифодалаш усулидан самарадорлиги исботланган;

илк бор кўзнинг кимёвий куйишини комплекс даволашда, фотодинамик терапиянинг бириктирувчи тўқимага нисбатан танлаб цитотоксик таъсир этиши сабабли жароҳатланган юзаларни эпителизацияланиши, анъанавий даволаш усулларига қараганда самарали эканлиги исботланган;

кўзнинг кимёвий куйишида касалликни даволаш самарадорлигини кўз ёши суюқлигидаги биокимёвий маркерлар (супероксиддисмутаза, каталаза, малондиалдегид, азот оксиди, пероксинитрит) ҳамда кислота-ишқорийлик муҳити (рН) кўрсаткичларининг тикланиши асосида белгилаш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кўзнинг кимёвий куйишида куйган майдонлар юзасини миқдорий аниқлашнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига тавсия этилган;

кўзнинг кимёвий куйишини комплекс даволашда биокимёвий ва цитологик кўрсаткичлар мониторингининг информативлик мезонлари ишлаб чиқилган;

кўзнинг кимёвий куйишида адекват даволаш чора тадбирларини эрта буюриш учун комплекс ташҳислаш алгоритми ишлаб чиқилган;

кўзнинг кимёвий куйишида кўз олдинги юзасининг регенератор хусусиятларини ошишига, беморларнинг даволаниш муддатининг қисқаришига, асоратларнинг камайишига олиб келган комплекс даволашнинг муқобиллаштирилган ёндашув алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида замонавий бир – бирини тўлдирувчи клиник – функционал, биокимёвий ва статистик усуллар ҳамда назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, изланиш давомида қўлланилган ёндашув ва текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ташҳислаш ва даволаш усуллариининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, етарли миқдордаги беморлар сонининг мавжудлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўз куйишларида жароҳатланган юза майдонларини юқори аниқликда ўлчаш, динамикада кузатиб бориш, даволаш бўйича тавсия этилган алгоритмда мавжуд таркибий қисмларнинг регенератив, эпителизацияловчи ва антиоксидант хусусиятларга эга эканлиги патогенетик жиҳатдан ҳамда клиник – функционал, биокимёвий ва цитологик тадқиқот натижалари асосида мезонларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти офтальмология амалиётида кўзнинг кимёвий куйишларида фойдаланиш учун ишлаб чиқилган комплекс ташҳислаш алгоритмининг замонавий усулларга асосланганлиги, «Восток» терапевтик лазер ускунасида фотодинамик терапия ёрдамида комплекс

даволаш алгоритмлари ва шифокорлар учун услубий тавсияномалар ишлаб чиқилганлиги ва тадқиқот натижалари амалиётга татбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кўз куйишини комплекс даволашнинг самарадорлигини клиник–лаборатор баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кўзи кимёвий куйиш билан хасталанган беморларни ташҳислаш усулини такомиллаштириш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Кўз куйишини ташҳислаш чораларини такомиллаштириш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 сентябрдаги 8н-з/314-сон маълумотномаси). Натижада кўзнинг кимёвий куйган майдон ўлчамларини юқори аниқликда миқдорий аниқлаш учун тавсия этилган такомиллаштирилган усулнинг самарадорлигини баҳолаш имконини берган;

кўз олдинги юзасининг кимёвий куйишини комплекс даволаш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Кўзни кимёвий куйишини фотодинамик терапия ёрдамида комплекс даволашнинг самарадорлигини баҳолаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 сентябрдаги 8н-з/314-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кўзни кимёвий куйиши учун тавсия этилаётган комплекс даволаш усулининг самарадорлигини баҳолаш имконини берган;

кўз куйишини комплекс даволашнинг самарадорлигини клиник – лаборатор баҳолаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий – амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани тиббиёт бирлашмаси, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари кўз касалликлари шифохоналари амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 22 февралдаги 08-09/5599-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни жорий қилиниши кўзнинг кимёвий куйишларини эрта ва аниқ ташҳислаш, комплекс даволашни такомиллаштириш орқали асоратларни камайтиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий–амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 5 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кўзнинг олд юзасининг кимёвий куйишларини ташхислаш ва комплекс даволашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Унда кўзнинг кимёвий куйишини даволашнинг замонавий концепцияси ҳақида замонавий маълумотлар, офталмологияда лазер терапиясини қўллаш омиллари, кўзнинг кимёвий куйишларида қизил спектрни қўллашнинг ўзига хос афзалликлари, куйишни ташхислаш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш усуллари батафсил таҳлил этилган. Боб сўнгида таҳлил қилинган материал умумлаштирилиб, хулосалар берилган.

Диссертациянинг «**Кўзнинг олд юзасининг кимёвий куйишларини даволаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган услублар баён этилган. Илмий ишда Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент шаҳар шошилинич тез тиббий ёрдам клиник шифохонасининг шошилинич кўз микрохирургияси бўлими билан ҳамкорликда 2019-2021 йиллар давомида I, II ва III даражали кўзнинг кимёвий куйиши билан хастланган 110 нафар бемор (155 та кўз)ни ўрганиш маълумотлари тақдим этилган.

Куйиш шикастланишининг оғирлик даражасига, клиник ва функционал кўринишларига, шунингдек буюрилган даво усулларига кўра беморлар, бир хил тузилишга эга бўлган уч гуруҳга бўлинишди.

Таққослаш гуруҳида 37 (52 та кўз), I асосий гуруҳда 38 (51 та кўз), II асосий гуруҳда 35 (52 та кўз) нафар бемор текширилди.

I даражали куйишлар 28 (40 кўз), II даражали куйишлар - 53 (80 кўз) ва III даража - 29 нафар беморда (35 кўз) аниқланган.

Жинсига кўра гуруҳларда эркаклар кўпчиликини ташкил этишди: 67 нафар эркак (61%) ва 43 нафар аёл (39%). Беморларнинг ёши 18 дан 84 ёш оралиғида бўлиб, ўртача  $38,3 \pm 16,0$  ёшни ташкил этди. Беморларни ёшга қараб тақсимлаш шуни кўрсатдики, 7 (6,4%) нафар бемор 20 ёшгача бўлганлар, 77 (70,0%) нафар беморнинг ёши 20 ёшдан ошган, 26 (23,6%) нафар беморнинг ёши бўлса 50 ёшдан ошган контингентни ташкил этди.

Беморларнинг 65 фоизида ишлаб чиқариш куйишлари, 35 фоизида эса майший куйишлар кузатилган. Куйишдан касалхонага ётқизилишгача бўлган давр 1-2 соатдан 4 кунгачани ташкил этган. 1 - 3 даража оғирликдаги кислота билан куйиш 66 нафар беморда (87 та кўз), ишқорий - 44 нафар бемор кўзида

(68 кўз) кузатилди. Энг катта гуруҳни II даражали кимёвий куйган беморлар ташкил этди. Бу беморлар умумий сонининг 48,2 фоизини ташкил этади. Кислота куйиши билан 32 (46 та кўз) ва ишқорий куйиш билан эса 21 нафар бемор (34 та кўз) жароҳатланганлиги аниқланди. 45 нафар беморда жараён икки томонлама, 65 нафарида бўлса бир томонлама эди. Шу муносабат билан, куйида келтириладиган натижаларни тавсифлашда кўзлар сони бўйича маълумотлар берилди. IV даражали кимёвий куйиш олган беморлар ва кўз, қовоқларнинг куйишидан ташқари тананинг бошқа қисмларига зарар етган ҳолларда, беморлар тадқиқотга жалб этилмади.

Барча гуруҳдаги беморларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.07.2012 йилдаги 128-сонли қарори билан қабул қилинган «Офтальмологик диагностика ва даволаш стандарти»га асосан тегишли терапевтик даволаш усуллари буюрилди. Яъни, таққослаш гуруҳидаги 37 нафар беморга тетрациклинли кўз малҳами (кунига 3 марта); М-холиноблокаторлардан тропикамиднинг 1% эритмаси (кунига 2 марта 2 томчидан); кератопротекторлардан 20% корнерегел ёки солкосерил гел (кунига 3 марта 1 томчи), антигистаминлар (кунига бир марта 1 таблетка); В витаминлари мажмуаси (2,0 мл); антибиотикли кўз томчиларини ўз ичига олган анъанавий даволаш чора тадбирлари буюрилди.

I асосий гуруҳдаги 38 нафар бемор (51 та кўз) ва II асосий гуруҳдаги 35 нафар бемор (52 та кўз) юқоридаги даволанишга кўшимча равишда фотодинамик терапия (ФДТ) ўтказилди. Тўлқин узунлиги 630 нм, қуввати 5 Вт, энергияси 300 мЖ / см<sup>2</sup> бўлган импульсли терапевтик қизил лазер ёрдамида 7 – 10 кун давомида маҳаллий «Восток» терапевтик лазер ускунаси ёрдамида даволаш амалга оширилди. Бунда импульсининг давомийлиги 220 нс, частотаси 1500 Гц, таъсир қилиш давомийлиги 180 сонияни ташкил этди. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Этика қўмитасининг 01.05.2014 йилдаги №2 сонли протоколи ва 20.12.2016 йилдаги №11 сонли протоколи орқали ўрганилган терапевтик лазернинг тўлқин узунлиги, энергияси, импульс давомийлиги, частотаси, экспозицияси каби кўрсаткичларининг ҳеч бири ўзгартирилмади.

II асосий гуруҳдаги беморларга анъанавий даволаниш ва фотодинамик терапиядан ташқари, фаол моддаси метилэтилпиридинол (Виксипин) бўлган кўз томчилари буюрилди. Фотосенсибилизатор сифатида суправитал бўёқ, метилен кўкининг (Methylenum coeruleum) 1% сувли эритмаси ишлатилиб, лазер қўллашдан олдин конъюнктива бўшлиғига 1 томчи томизилди. Кўзнинг кимёвий куйиши касаллигини таснифлаш учун В.А. Пучковскаянинг таснифидан (2002 й.) фойдаланилди.

Барча беморлар визиометрия, М-211 тирқишли чироқ ёрдамида кўзнинг олд сегментини биомикроскопия билан текшириш (Carl Zeiss, Jena, GmbH, Германия); кўз ички босимини палпатор аниқлаш каби стандарт офтальмологик диагностика усуллари орқали текширувдан ўтказилди.

Махсус офтальмологик тадқиқот усулларида: кўз юзасининг шикастланиш майдонини аниқлаш; конъюнктива ва шох парда эпителийсининг импрессион цитологияси; кўз ёши суюқлигининг

биокимёвий таҳлили. Конъюнктура, лимб ва шох парданинг куйишдан кейинги яллиғланиш динамикасини кузатиш учун кўз олдинги юзаси 1% натрий флюоресцеин эритмаси (FluoStrips, Бельгия) ва лиссамин яшили (Lissamine Green, Буюк Британия) билан бўялиб, биомикроскопик усулда кузатилди. Витал бўёқларнинг қўлланилиши «Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва уларнинг айланишини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 сентябрдаги ПҚ-3948-сонли қарорига мувофиқ қўлланилди.

Кўз юзаси тўқималарининг морфологияси 3 та гуруҳдаги 62 нафар беморда (83 та кўз) импрессион цитология усули орқали ўрганилди. Даволаниш динамикасини баҳолаш учун даволашдан олдин ва даволанишнинг 7-кунида поралари ўлчами 0,45 мкм бўлган стерил 8,0 × 8,0 ммли целлюлоза ацетатли филтр қоғозлардан фойдаланган ҳолда Р. Сингх усули бўйича (2005 й.) цитологик суртма олинди.

Кўз ёши суюқлигининг биокимёвий тадқиқотлари уч гуруҳдаги 60 нафар беморда (60 та кўз) ва 10 нафар амалий соғлом одамда (назорат гуруҳи, 10 та кўз) ГТА Марказий тадқиқот лабораториясида ўтказилди. Малондиалдегид (МДА) ва оксид азоти (NO), пероксинитрит (ONOO<sup>-</sup>), супероксиддисмутаза (СОД), каталаза (КТ) фаоллиги, шунингдек кислота – ишқорийлик (рН) даражаси аниқланди.


Диссертациянинг «**Кўзнинг кимёвий куйишини комплекс даволаш самарадорлигини клиник баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида комплекс офтальмологик текширув натижалари баҳоланган. Анамнез йиғиш асносида кимёвий моддалар таъсиридан кейин воқеа жойида кимёвий моддаларни ювиш учун ўртача 5,0 ± 3,9 минут ишлатилгани аниқланди.

Кўзнинг ёрдамчи қисмлари томонидан кўз қовоқларида, 12 нафар беморда тери гиперемияси, 4 та ҳолатда пуфакчалар аниқланган. II ва III даражали куйишларда кўз тўқималарининг дистрофиясига олиб келадиган қон томир патологиялари кузатилиб, конъюнктура томирларининг кенгайиши ва эгрилиги, лимб ишемияси кузатилди. Кўз қовоқлари терисининг некрози ва склеранинг шикастланиши кузатилмади. III даражали куйишлар билан оғриган 4 нафар беморда конъюнктиванинг қисман некрози олиб ташланди.

63 та ҳолатда лимбал зонанинг гиперемияси кузатилиб, бу ижобий прогностик хусусият сифатида баҳоланди. 25 нафар беморда шох парданинг сезиларли даражадаги майда эрозияси ва юзаки қатламларнинг енгил шишиши қайд этилди. II даражали куйишда 51 беморда (73 кўз) қисқа муддатли ишемия ёки гиперемия лимбал ҳудуднинг атиги 1/3 қисмини қамраб олганлиги аниқланди. 27 беморда бу ўртача 4 ± 2 кун давом этди. 41 беморда шох парданинг сирт қатламлари хиралашди.

Қон томирлари калибридаги вақтинчалик ўзгаришлар, куйиш этиологиясидан қатъий назар, деярли барча ҳолатларда кузатилди ва куйиш даражасига қараб ўртача 7 ± 2 кун давом этди.

Лиссамин яшили томизилгандан сўнг, 149 та кўзда бўялган сохалар оролчалар кўринишида яққол намоён бўлди (1-расмга қаранг).



**1-расм.** Кимёвий куйишдан сўнг кўз олдинги юзасининг жароҳатланган майдонларининг лиссамин яшили билан бўялиши

19 та беморда кулранг, осонгина олинадиган конъюнктива плёнкалари кузатилди. I - II даражали куйишлар билан, конъюнктива гиперемияси II асосий гуруҳда 5-6 кунга сезиларли даражада камайди, 3-4 кун ичида перифокал шох парда шишларининг йўқолиши, увеал ҳодисаларнинг йўқолиши ва шох парданинг тўлиқ эпителизацияси кузатилди. I асосий гуруҳда бу ҳодисалар фақат даволашнинг 7-8 кунда кузатилган.

II асосий гуруҳдаги III даражали куйишлар билан эпителий 6-7 кунларда шох парда нуқсонини тўлдириб, тўлиқ қоплаган бўлса, лимбал зонанинг сезувчанлиги 5-6 кунларда тикланди. Янги ҳосил бўлган эпителий силлиқ, бир текис бўлиб, эпителизация ҳодисаси конъюнктива гиперемиясининг йўқолиши (4-6 кун) ва шох парда синдромининг йўқолиши (4-5 кун) билан бирга иридоциклит белгиларининг бартараф этилишига имкон берди.

I-асосий гуруҳдаги беморларда шох парда синдроми ва оғриқ белгилари 4-6-кунда пасайган. Ушбу гуруҳда эпителизациянинг тугаши 7-8 кунларда содир бўлди, перифокал шох парданинг шишиши 7 кунгача давом этди.

Шох пардаси қисман куйган барча беморларда блефароспазм, ёруғликдан кўрқиш, ёт жисм ҳисси ва кўп кўз ёши ажралиши кузатилди. Беморларда шох парданинг куйиш зоналари нуқтали нуқсонлар ёки интенсив бўлмаган хираланишлар шаклида ҳамда олдинги эпителийда ўчоқли шишларнинг асосан парацентрал соҳаларда флюоресцеин билан бўялгандагина кузатилди (2-расмга қаранг).

Шох парда сезувчанлигининг тўлиқ пасайиши бўялиш даражасига мутаносиб равишда пропорционал боғлиқлик касб этди.

Даволаниш таъсирида яллиғланиш жараёнининг сусайиши ва шикастланган кўз тўқималарининг эрта тикланиши туфайли касалхонада бўлиш муддати ҳам қисқариб, II асосий гуруҳда ўртача 7 кунни, I асосий гуруҳда эса 8,5 кунни ташкил этди.



**2-расм.** Кимёвий куйишдан сўнг кўз олдинги юзасининг жароҳатланган майдонларининг флюоресцеин билан бўйлиши


Ушбу кийматлар стандарт даволаниш қўлланган таққослаш гуруҳидаги беморлар орасида сезиларли даражада фарқ қилди. I ва II даражали куйишлар билан куйишдан кейинги белгиларнинг камайиши, шунингдек, зарарланган ҳудудларнинг қисман эпителизацияси 6-7-кунларда содир бўлди. 8-9-кунларда симптомларнинг тўлиқ йўқолиши кузатилди. Куйишдан кейинги яллиғланиш белгилари 7-8 кунга келиб камайди. Хужайра реакциясининг пасайиши, эпителийнинг янгиланиши, конъюнктива инъекциясининг йўқолиши бу гуруҳда ўртача  $7 \pm 2$  кунга, асосий гуруҳларда ўртача  $6 \pm 2$  кунга тўғри келди. Асосий гуруҳларда кўз юзасининг куйиш майдонларини қайта тикланиши фаоллашган эпителизация, жароҳатланган лимб сохаларининг сезгирлигини эрта тикланиши билан тавсифланади. Асосий гуруҳларда шох парда тиниқлигининг ўртача даражадаги хираланиши III даражали куйишларда фақат 1 та ҳолатда ва таққослаш гуруҳидаги 2 та кўзда кузатилди. Бу ҳолат таққослаш гуруҳида 33,3%, I ва II асосий гуруҳларда мос равишда 72,7 ва 70% ни ташкил этди. Шу билан биргаликда, II асосий гуруҳдаги I-II даражали куйиш аниқланган барча кўзларда шох парда тиниқлигининг тўлиқ тикланиши кузатилди.

Таққослаш гуруҳида даволанишдан олдин кўриш ўткирлиги ўртача  $0,58 \pm 0,34$  ни, 5 та кўзда 0,01 дан 0,06 гача, 17 та кўзда 0,1 дан 0,5 гача, 30 тасида 0,6 дан 1,0 гачани ташкил этди. Даволашнинг 7-кунига келиб, ўртача кўриш ўткирлиги  $0,70 \pm 0,30$  га ошди. 10 та кўзда кўриш ўткирлигининг 0,6 дан 1,0 гача ошиши кузатилди.

Асосий гуруҳларда даволанишдан олдин кўриш ўткирлигининг ўртача кўрсаткичлари таққослаш гуруҳидагиларга ўхшаш бўлиб, дастлабки даврларда уччала гуруҳлар ўртасида фарқларнинг йўқлиги шох пардадаги шиш ва куйишдан кейинги асоратларнинг мавжудлиги билан боғлиқлиги билан изоҳланади. I асосий гуруҳда 7-кун кўриш ўткирлиги 1,38 мартага ошди, II асосий гуруҳда еса бу кўрсаткич 1,42 ни ташкил этди. Кимёвий куйишдан 5-7 кун ўтгач, шох парданинг шиши ривожланиши туфайли кўриш ўткирлигининг пасайиши ҳолатлари таққослаш гуруҳидаги 2 нафар беморда (2 та кўз). Асосий гуруҳларда бу ҳолат кузатилмаганлиги, тавсия этилган терапиянинг самарадорлигини кўрсатади. Кўриш ўткирлигининг  $> 0,3$  га

ошиши I асосий гуруҳда 14%, II асосий гуруҳда 16% ва таққослаш гуруҳида 10% ҳолларда кузатилди.

Барча гуруҳдаги беморларда куйиш майдони ва кўз юзасининг куйиш индекси кўрсаткичлари даволанишдан олдин сезиларли даражада фарқланмади. I-даражали куйишлар билан таққослаш гуруҳида эпителизация 30,7% га ошди ва зарарланган ҳудуд ўртача  $5,6 \pm 2,36 \text{ мм}^2$  га камайди. Иккинчи даражали куйишларда эпителизациянинг 32,5% га ортиши ва майдоннинг  $10,43 \pm 4,38 \text{ мм}^2$  га камайиши кузатилди. III даражали эпителизация 32,6% га ошди ва майдон  $15,31 \pm 0,89 \text{ мм}^2$  га камайди. 7-кунга келиб, енгил куйишлар билан зарарланган майдонларнинг ҳажми даволанишдан олдинги ўзгаришларга нисбатан 1,44 марта, ўртача оғирликдаги ва учинчи даражали куйишларда эса 1,48 мартага камайди (3-расмга қаранг).



**3-расм.** Кимёвий куйишдан сўнг кўз олдинги юзасининг жароҳатланган майдонларининг юзасини махсус сеткада ўлчаш. 1 та катак майдони  $0,25 \text{ мм}^2$  ни ташкил этади.


I асосий гуруҳда куйишнинг биринчи даражасида кўрсаткичлар таққослаш гуруҳига нисбатан 23,9 %га, иккинчи даражали куйишда 25,3 %га ва учинчи даражали куйишда 15,6 %га юқори бўлди. Ўз навбатида, жароҳатланган соҳаларнинг ҳажми I-даражали куйишлар учун 2,22 марта, 2-даражали куйишлар учун 2,37 марта ва 3-даражали куйишлар учун 1,93 маротаба камайди.

II асосий гуруҳдаги беморлар натижалари таққослаш гуруҳига қараганда юқори бўлди, лекин биринчи асосий гуруҳдаги кўрсаткичлардан унчалик фарқ қилмади. II асосий гуруҳда бу кўрсаткичлар мос равишда 58,6 / 62,9 / 54,9% га ўсди. Таққослаш гуруҳида куйиш шикастланишининг биринчи кунларидан бошлаб эпителизация икки асосий гуруҳга қараганда секин давом этди. Икки асосий гуруҳда куйган юза эпителизациясининг бошланиши куйишдан икки кун ўтгач, куйган секторнинг бутун периметри бўйлаб эрозиянинг концентрик қисқариши шаклида қайд этилди. 7-куни таққослаш гуруҳида 3-даражали куйишлар билан оғриган беморларнинг кўз юзасининг куйиш индекси (КЮКИ) даражаси пасайиб, 2-даражали куйишнинг клиник кўринишига ўхшарди. I-II асосий гуруҳларда даволашнинг охирига келиб КЮКИ 1-даражали куйиш жароҳати кўрсаткичларигача камайди. Эпителизация соҳасидаги динамик ўзгаришларни таҳлил қилганда, асосий гуруҳлар


ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмади ( $p>0,05$ ), бу билвосита эпителизациянинг ўхшаш табиатини, куйган майдоннинг нисбати ва даволаниш натижаларининг вақтини ўхшашлиги билан изоҳланади. Бироқ II асосий гуруҳда, биринчи кунлардан бошлаб, даволаниш жараёнининг яққол яллиғланишсиз тинчроқ кечиши қайд этилганлиги аҳамиятга моликдир.

Диссертациянинг «**Кимёвий кўз куйишларида комплекс терапия самарадорлигини махсус цитологик ва биокимёвий усуллар ёрдамида баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида турли даражадаги кислотали ва ишқорий куйишлар билан оғриган беморларнинг клиник тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Куйиш жараёнининг оғирлиги ва фаол агенти бўйича бир хил шакллантирилган таққослаш гуруҳидаги (21 бемор) ва асосий гуруҳлардаги (21 ва 20 бемор) беморларнинг цитограммаларида тадқиқотнинг биринчи кунларида яллиғланишнинг морфологик белгилари деярли фарқланмади. Цитологик расм кўп миқдордаги шиллиқ, оксил массаси, тўқима детрити ва фибринли филаментлар билан ифодаланди (4-5-расмларга қаранг). Барча расмлар Романовский – Гимза бўёғида бўялиб, 400 марта катталаштирилган.




**4-расм.** Таққослаш гуруҳи.  
Даволашдан олдин. Нейтрофил  
инфилтрация.




**5-расм.** Таққослаш гуруҳи.  
Даволашнинг 7-куни. Эпителий  
хужайралари сонининг кўпайиши.


Барча гуруҳда фибрин филаментлари ва оксил массалари устунлик қилиб, полинуклеар лейкоцитларда фаол дегрануляция белгилари кузатилди. Цитоплазмада куйиш жараёни дегенератив ва дистрофик ўзгаришлар эозинофил кўшимчалар, кўп ядроли симпластлар ва цитоплазманинг периферик қисмини вакуолизацияси шаклида кечди. I ва II асосий гуруҳлардаги беморларнинг цитограммаларида яллиғланиш жараёнининг клиник белгиларининг тўлиқ йўқолиши даволашнинг 7-кунида кузатилган. Бу босқичда фақат оз миқдордаги лейкоцитлар ва лимфоцитларгина кузатилди (6-7; 8-9-расмларга қаранг). Эпителий хужайраларида дегенератив жараёнлардан кўра регенератив ва тикловчи ўзгаришлар устунлик қилган. Шох парда ва конъюнктива тўқималарида тикланишнинг намоён бўлиши Виксипин кўшимча равишда даволанишга киритилган беморлар гуруҳида аниқроқ бўлганлиги кузатилди.




**6-расм.** I асосий гуруҳ. Даволашдан олдин. Кўп миқдордаги шикастланган эпителий хужайралари.



**7-расм.** I асосий гуруҳ. Даволашнинг 7 кунни. Яллиғланиш хужайраларининг сезиларли камайиши.



**8-расм.** II асосий гуруҳ. Даволашдан олдин. Нейтрофил инфильтрацияли деструктив лейкоцитлар.



**9-расм.** II асосий гуруҳ. Даволашнинг 7 кунни. Моноцитлар ва макрофагларнинг пайдо бўлиши.

